

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАКИРОВА МОХИРА АБДУВАЛИЕВНА

**COVID-19 КАСАЛЛИГИНИ ЎТКАЗГАН БОЛАЛАРДА ТИКЛАНИШ
ДАВРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ГЕМОСТАЗ ТИЗИМИ ҲОЛАТИ**

14.00.09 – Педиатрия

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)

Бакирова Мохира Абдувалиевна

COVID-19 касаллигини ўтказган болаларда

тикланиш даврининг хусусиятлари ва гемостаз

тизими ҳолати 3

Бакирова Мохира Абдувалиевна

Особенности восстановительного периода

и состояние системы гемостаза у детей

перенесших COVID-19..... 27

Bakirova Moxira Abduvaliyevna

Features of the recovery period and

the state of the hemostasis system in

children who have had COVID-19..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 56

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАКИРОВА МОХИРА АБДУВАЛИЕВНА

**COVID-19 КАСАЛЛИГИНИ ЎТКАЗГАН БОЛАЛАРДА ТИКЛАНИШ
ДАВРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ГЕМОСТАЗ ТИЗИМИ ҲОЛАТИ**

14.00.09 – Педиатрия

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib1901 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Бобомуратов Турдикул Акрамович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Шамсиев Фурқат Муҳитдинович тиббиёт фанлари доктори, профессор Шахизирова Ирода Джаббаровна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация химояси Андижон давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170127, Андижон ш., Ю. Отабеков 1. Тел./факс: (+99874) 223-94-60).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170127, Андижон ш., Ю. Отабеков 1. Тел./факс: (+99874) 223-94-60)

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Арзикулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ш.О.Тошбоев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

О.А.Якубова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида COVID-19 пандемияси нафақат жаҳон соғлиқни сақлаш тизимида, балки ижтимоий ва иқтисодий соҳаларга ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Бугунги кунга келиб, пандемия билан боғлиқ муаммолар фақатгина касалликнинг ўткир босқичини эмас, балки тикланиш даврида кузатиладиган асоратларни ҳам ўз ичига олмоқда. Болаларда COVID-19 энгил кечишига қарамай, тикланиш даври узок давом этмоқда. Болалар аҳолиси ушбу касалликнинг клиник ва патофизиологик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратишни талаб қиладиган, хавфли ва эҳтимолий асоратлари кам ўрганилган гуруҳ ҳисобланади. «...COVID-19 билан хасталанган болалар ва катталар орасида ўтказилган аутопсия текширувлари шуни кўрсатадики, беморларнинг қарийб 90 %да майда ва ўрта калибрли қон томирларида эндотелити кузатилган, шунингдек, 30–60% ҳолларда микротромбозлар аниқланган. Ушбу маълумотлар касалликнинг ўткир босқичи тугаганидан сўнг ҳам микроциркулятор тизимида барқарор бузилишлар сақланиб қолишини тасдиқлайди.....»¹. COVID-19 касаллигига микроциркулятор оқим томирларининг вирусли шикастланиши натижасида, турли аъзолар (ўпка, юрак, жигар, бош мия, буйрак ...) майда қон-томирларининг микротромбози ва деструктив тромбоваскулити кўринишидаги микроангиопатиялар ривожланиши характерли ҳисобланади. Турли даражадаги тромбозларнинг ривожланиши бир нечта аъзонинг шикастланишига ва полиорган етишмовчилик ривожланишига олиб келади.

Жаҳонда COVID-19 касаллигини ўтказган болаларда тикланиш даврининг хусусиятлари ва гемостаз тизими ҳолатини комплекс баҳолаш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада COVID-19 инфекциясини ўтказган болаларнинг клиник-анамнестик маълумотлари ва тиббий ҳужжатларини ретроспектив таҳлил қилиш орқали касалликнинг кечиш хусусиятларини баҳолаш, клиник, лаборатор ва биокимёвий кўрсаткичлар асосида коронавирус инфекциясидан кейинги эрта тикланиш даврининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, шунингдек тикланиш даврида гемостаз тизимидаги ўзгаришларни комплекс ўрганиш, цитокин статусига баҳо бериш ва унинг гемостаз кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш, болаларда тикланиш даврида кузатиладиган гемостаз тизими ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда мақсадли реабилитация чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш йўналишида бир қатор амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, COVID-19 инфекциясига чалинган болаларда ташхис қўйиш ҳамда самарали даволаш усулларини жорий этиш бўйича ишлар ташкил этилган. Ушбу жараёнлар

¹World Health Organization. Clinical management of COVID-19 - Living guidance (25 January 2021)

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган етти устувор йўналишдан келиб чиққан ҳолда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини ошириш» каби устувор мақсадлар белгиланган. Стратегик вазифалар доирасида, COVID-19 касаллигини ўтказган болаларда тикланиш даврининг хусусиятлари ва гемостаз тизими ҳолати, жумладан, болаларнинг соғайиш даврида коронавирус инфекциясининг гемостаз тизимига таъсирини батафсил ўрганиш, уларни эрта аниқлаш ва олдини олиш бўйича самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотларни олиб бориш долзарб аҳамият касб этади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ–4887-сон «Аҳолини соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий-профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар мажмасининг 2020 йил 20 июлдаги 446-сон «Коронавирус инфекциясига қарши курашиш даврида аҳолини тез тиббий ёрдам хизмати билан кенг қамраб олиш чора-тадбирлари тўғрисида» қабул қилинган қарори, шунингдек, соҳага оид бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш жараёнида ушбу диссертация тадқиқоти муайян илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон олимлари томонидан коронавирусдан сўнг болаларнинг саломатлигига тегишли тадқиқотлар кенг намоиш этилиб борилмоқда. Сўнгги йилларда бир қатор тадқиқотчилар коронавируснинг болалар саломатлигига таъсирини ўрганишмоқда (Stacevičienė I. et al., 2024; Hall K. et al., 2024; Kallitsoglou A. et al., 2024). SARS-CoV-2 вирусининг ҳужайрага пенетрацияси механизмларининг таъсири кўриб чиқилган (Tang C. et al., 2024; Ribeiro M. et al., 2024). COVID-19 нинг асосий патогенетик механизмлари, клиник хусусиятлари, даволаш ва профилактикасини ўрганиш бўйича натижалар олинган, жумладан, вирусли инфекциянинг асосий шикастловчи омили сифатида тизимли яллиғланиш назарияси; COVID-19 касаллиги туфайли турли оқибатлар ва ўлим кўрсаткичлари ёмонлашувининг энг кучли башоратчиси бўлган ёндош касалликларнинг роли улар орасида энг асосланганлари ҳисобланади (Dong X.

et al., 2024; Parums D., 2024). Постковид синдромнинг ривожланишини келтириб чиқарадиган бир қатор омиллар бўйича янги қарашлар тақдим этилган (Zhang J. et al., 2024; Aschman T. et al., 2023). Эндотелиал дисфункциянинг (ЭД) COVID-19 ривожланишидаги роли ўрганилган ва касалликнинг оғирлик даражаси ва прогнозини белгилайдиган қоннинг протромботик фаоллигининг роли асослаб берилган. (Trefzer T. et al., 2023; Hoshijima H. et al., 2023; Newlands F. et al., 2023). МДХ давлатларида олимлар (Е.Г.Фурман ва ҳаммуал., 2021) SARS-CoV-2нинг болаларда кечиш хусусиятлари ва катталардан фарқли жиҳатларини, (Д.Винников ва ҳаммуал., 2023) коронавирус инфекциясида даволаш протоколларининг самарадорлигини ўрганган.

Ўзбекистонда болаларнинг саломатлик ҳолатини яхшилаш, касалликларнинг профилактикаси, тўғри ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишга бағишланган қатор илмий тадқиқот ишлари бажарилган ва бажарилмоқда (Т.А. Бобомуратов, Н.А. Каримова «Болаларда COVID-19 касаллигидан тикланиш даврида юрак-қон томир тизимидаги ўзгаришлар» 2024; И.А.Каримжонов «COVID-19 касаллигидан тикланиш даврида қайталанувчи бронхит билан касалланган болаларнинг реабилитацияси» хусусида, 2024; Юнусова У. «Ноқулай иқлим шароитида пневмония билан ҳасталанган болаларнинг гемостаз тизими ҳолати» 2023;), бироқ, COVID-19 касаллигини ўтказган болаларда тикланиш даврининг хусусиятлари ва гемостаз тизими ҳолати комплекс баҳоланмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда эрта тикланиш даврининг хусусиятларини баҳолаш, асоратларнинг олдини олиш, гемостаз тизимидаги ўзгаришларни аниқлаш ва мақсадли даво чораларини белгилаш масалалари бўйича аниқ клиник тавсиялар ҳамда ушбу инфекцияда тиббий ёрдамни такомиллаштириш ва унинг олдини олишга қаратилган методик қўлланмалар ҳали етарли даражада ишлаб чиқилмаган, ва диссертация мавзусининг долзарблигини асослайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари дастурига мувофиқ равишда, №01.1100158 «Диагностика, даволаш ва профилактиканинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш» (2018–2022 йй.) мавзуси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади: COVID-19 касаллигини ўтказган болаларда тикланиш даврининг клиник кечиши ва гемостаз тизими ўзгаришларининг хусусиятларини ҳамда реабилитация чора-тадбирларини клиник самарадорлигини баҳолаш ва такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 инфекциясини ўтказган болаларнинг клиник-анамнестик маълумотлари ва тиббий ҳужжатларини ретроспектив таҳлил қилиш орқали касалликнинг кечишини баҳолаш;

клиник, лаборатор ва биокимёвий таҳлиллари асосида болаларнинг коронавирус инфекциясидан эрта тикланиш даврининг хусусиятларини баҳолаш;

COVID-19 касаллигидан тикланиш давридаги болаларда гемостаз тизимидаги ўзгаришларнинг хусусиятларини баҳолаш;

COVID-19 касаллигидан тикланиш даврида цитокин статусига баҳо бериш ҳамда гемостаз тизими кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш;

болаларда тикланиш даврида кузатиладиган гемостаз тизими ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда реабилитация чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бир ёшдан 17 ёшгача бўлган Тошкент шаҳар 3-сон болалар юкумли касалликлар шифохонасида 2020-2021 йилларда COVID-19 ташхиси билан даволанган 232 нафар болаларнинг касаллик тарихи ретроспектив маълумотлари ва 33-сонли оилавий поликлиникада 129 нафар COVID-19 касаллигини ўтказган болаларнинг проспектив текширув натижалари ва назорат гуруҳи сифатида 40 нафар соғлом болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети қон плазмаси гемостаз тизими кўрсаткичлари (фибриноген, протромбин вақти, тромбин вақти, протромбин индекси, ХМН — халқаро меъёрлаштирилган нисбат, қисман тромбопластин вақти, эрувчан фибрин мономер комплекслари, D-димер), шунингдек тизимли яллиғланиш биомаркерлари (C-реактив оқсил, интерлейкин-6, интерлейкин-1β, лейкоцитлар сони, ЭЧТ) ва уларнинг клиник ҳамда инструментал кўрсаткичлар (биокимёвий таҳлиллар, кўкрак қафаси МСКТ, пульсоксиметрия натижалари) билан ўзаро боғлиқлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқотда COVID-19 касаллигини ўтказган болаларда тикланиш даврининг хусусиятлари ва гемостаз тизими ҳолатини комплекс баҳолашда клиник, биокимёвий, иммунологик, инструментал ва статистик таҳлил усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ретроспектив ва проспектив таҳлилларга асосан COVID-19 касаллигини оғир ўтказган болаларнинг эрта тикланиш даврида аксарият клиник белгиларини (қуруқ йутал, тахикардия, кўкрак қафасида нохушлик, мушак ва бўғимларда оғриқ, когнетив бузилишлар) сақланиб қолганлиги орқали яллиғланиш жараёнининг тўлиқ тугамаганлиги исботланган;

COVID-19 касаллигини ўтказган болаларнинг тикланиш даврида гемостаз тизимидаги ўзгаришларни эрта ташхислаш натижасида сезиларли ўзгаришлардан (27,8%) гиперкоагуляция (22,4%) ва гипокоагуляция (5,4%) аниқланиб, ушбу ўзгаришларни касалликнинг оғир ўтказганлиги, фон касалликлари, шунингдек мавсумий омилларга боғлиқлиги, ёз ва куз ойларида тромботик хавфнинг юқорили эканлиги исботланган;

Covid-19 касаллиги ўтказган болаларнинг тикланиш даврида гемостаз тизимида компенсацион-адаптив механизмларнинг фаоллашганлиги натижасида гиперкоагуляция ҳолатини сақланиб туриши: фибриноген миқдорининг 1,2 баробарга, эрувчи фибрин мономер комплекси ва D-димер

миқдорининг 3,5 ва 4,8 марта ошганлиги натижасида қонни тезда қуюқлашининг юзага келиши ва тромб ҳосил бўлиши, шунингдек микроциркуляциянинг бузилиши исботланган;

Болаларда COVID-19 касаллигидан тикланиш даврида гемостаз тизими кўрсаткичлари (фибриноген, D-димер, қисман фаоллаштирилган тромбопластин, тромбопластин вақти) ва яллиғланиш маркёрлари (IL-6, IL-1 β даражаси) ўртасида ишончли корреляцион боғлиқлик мавжудлиги исботланган;

COVID-19 касаллигини ўтказган болаларнинг тикланиш даврида гемостаз тизимини коррекциялаш мақсадида гемостаз тизимини ўзгаришларини башоратлаш ва гиперкоагуляция ҳамда микротромбозлар олдини олишга мўлжалланган назорат қилиш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

COVID-19 нинг ўртача оғир ва айниқса оғир шаклларини ўтказган болаларни тикланиш даврида гиперкоагуляция кўринишидаги ўзгаришлар 22,4%ни ташкил этганлиги сабабли гемостаз тизими ҳолатини текширишни мавжуд далалатномалар асосида амалга ошириш ва реабилитация чора тадбирларини тўғри ташкил қилиш, болаларни диспансер кузатувиغا олиш кераклиги кўрсатиб ўтилган;

COVID-19 билан хастланган болаларда асоратларнинг олдини олиш ва даволашга дифференциал ёндашувни таъминлаш учун умумий (умумий қон, биокимёвий), иммунологик (IL-6, IL-1 β) ва гемостазологик кўрсаткичлар (фибриноген, тромбопластин вақт, қисман фаоллаштирилган тромбопластин вақт, эрувчи фибрин мономер комплекси, D-димер) бўйича лаборатор таҳлилларнинг ўрни очиқ берилган;

COVID-19 касаллиги ўтказган болаларнинг тикланиш даврида цитокин статусидаги ўзгаришлар ва гемостаз тизими кўрсаткичлари ўртасида корреляцион боғлиқлик мавжудлигини ўрни баҳолаш тартиби яратилган;

COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврида гемостаз тизимидаги ўзгаришларни олдиндан аниқлаш ва уларни бартараф этиш мақсадида махсус прогностик алгоритмлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги илмий ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар илмий асосланганлиги, тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғри ташкил этилганлиги, ҳамда етарли миқдорда беморларнинг танлаб олинганлиги; тадқиқотда замонавий умумклиник, лаборатор ва статистик усуллардан фойдаланилганлиги ва улар ўзаро бир-бирини тўлдирувчи характер касб этдиганлиги билан, шунингдек COVID-19 инфекциясини бошидан ўтказган болаларнинг тикланиш даврида гемостаз тизими ўзгаришларининг ўзига хос томонларини баҳолашда халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, олинган хулосалар ва натижалар тегишли ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти COVID-19 ни ўтказган болаларнинг

тикланиш даврида гемостаз тизими ўзгаришларини клиник-прогностик жиҳатларини клиник-лаборатор кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш билан, ҳамда COVID-19 билан хасталанган болаларда тикланиш даврининг ўзига хос хусусиятлари ва микроциркулятор бузилишларни аниқлаш муҳим диагностик аҳамиятга эга эканлиги, гемостаз тизимидаги ўзгаришлар, биокимёвий параметрлар ва яллиғланиш маркёрлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик ўрганилганлиги касалликни патогенезини ёритишда муҳим аҳамиятининг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади;

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти ўтказилган клиник тадқиқотлар натижасида прогностик алгоритмдан фойдаланиш микроциркулятор бузилишларни эрта аниқлашда самарадорлиги ва тикланиш даврида антиоксидант (витами́нлар) ҳамда антиагрегант (курантил) дори воситасининг гемостаз тизими коррекциясида самарадорлиги ва касалликдан сўнг асоратларининг олдини олишдаги амалий аҳамияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

COVID-19 касаллигини ўтказган болаларда тикланиш даврининг хусусиятлари ва гемостаз тизими ҳолатини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: ретроспектив ва проспектив таҳлилларга асосан COVID-19 касаллигини оғир ўтказган болаларнинг эрта тикланиш даврида аксарият клиник белгиларини (қуруқ йутал, тахикардия, кўкрак қафасида нохушлик, мушак ва бўғимларда оғрик, когнетив бузилишлар) сақланиб қолганлиги орқали яллиғланиш жараёнининг тўлиқ тугамаганлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январдаги 01-25/470-т-сон билан тасдиқланган «Болаларда COVID-19 касаллигидан сўнг тикланиш даврида гемостаз тизимидаги ўзгаришларни ташхислаш усули, реабилитациясини оптималлаштириш ва прогностик алгоритми» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 13.02.2025 йилдаги 21-сон ҳамда Тошкент вилояти Тошкент тумани кўп тармоқли марказий шифохонаси бўйича 13.02.2025 йилдаги 165-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 июндаги 19/24-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* болаларда COVID-19 касаллигини клиник кўринишларини ретроспектив ва проспектив таҳлилинини ўрганиш турли ёшдаги болаларда инфекциядан эрта тикланиш даврида специфик хусусиятларини аниқлаштириш ва эрта ташхис қўйиш учун клиник индикаторларни аниқроқ белгилаш ва ўз вақтида даволашни бошлаш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* болаларда COVID-19нинг клиник хусусиятларини комплекс ретроспектив таҳлилинини ўрганишга бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 112045 сўмга иқтисод қилиш имконини берган, умумий 129 нафар бемор болалар учун ҳисобланганда 14 453805 сўмни иқтисод қилиш имконини берди.

Хулоса: болаларда COVID-19нинг клиник хусусиятларини комплекс ретроспектив таҳлилни ўрганишга ҳар бир бемор учун бюджетдан тежалган маблағлар 112045 сўмни ташкил этган.

иккинчи илмий янгилик: COVID-19 касаллигини ўтказган болаларнинг тикланиш даврида гемостаз тизимидаги ўзгаришларни эрта ташхислаш натижасида сезиларли ижобий ўзгаришлардан, гиперкоагуляция, гипокоагуляция, касалликнинг оғир ўтказганлиги, фон касалликлари ҳамда мавсумий омилларга боғлиқлигининг таҳлилларида ёз ва куз ойларида тромботик хавфнинг юқорилиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январдаги 01-25/470-т-сон билан тасдиқланган «Болаларда COVID-19 касаллигидан сўнг тикланиш даврида гемостаз тизимидаги ўзгаришларни ташхислаш усули, реабилитациясини оптималлаштириш ва прогностик алгоритми» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 13.02.2025 йилдаги 21-сон ҳамда Тошкент вилояти Тошкент тумани кўп тармоқли марказий шифохонаси бўйича 13.02.2025 йилдаги 165-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 июндаги 19/24-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* COVID-19 касаллигини ўтказган болаларнинг тикланиш даврида гемостаз тизимидаги ўзгаришларни эрта ташхислаш натижасида сезиларли ижобий ўзгаришлардан, гиперкоагуляция, гипокоагуляция, касалликнинг оғир ўтказганлиги, болалар организмида қайт қилинган сиптоматик хасталиклар ҳамда касалликнинг мавсумга боғлиқлиги, ёз ва куз ойларида тромботик хавф юқорилиги ҳисобига ушбу ойларда ҳолатини самарали таҳлил қилиш орқали ўзига хос даволаш тартибини ишлаб чиқиш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* COVID-19 касаллигини ўтказган болаларнинг саломатлик ҳолатидаги ўзгаришлар хасталикни тикланиш даврида гемостаз тизими ўзгаришларини ўз вақтида текшириш бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 455000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган, умумий 129 нафар бемор болалар учун ҳисобланганда 58695000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** COVID-19 дан кейин эрта тикланиш даврида болаларнинг клиник-лаборатор хусусиятларини ўз вақтида текшириш 1 нафар бемор ҳисобидан 455000 сўм бюджет маблағларини тежаш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: COVID-19 касаллиги ўтказган болаларнинг тикланиш даврида гемостаз тизимида компенсацион-адаптив механизмларнинг фаоллашганлиги натижасида гиперкоагуляция ҳолатини сақланиши, қон зардобидаги фибриноген миқдори ошиши, эрувчи фибрин мономер комплекси ва D-димер миқдорининг кескин ошганлиги ҳисобига тромбин вақтининг қисқариши натижасида қонини тезда қуюқлашининг юзага келиши ва тромб ҳосил бўлиши, шунингдек микроциркуляциянинг издан чиқишига шароит яратилиши исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025

йил 27 январдаги 01-25/470-т-сон билан тасдиқланган «Болаларда COVID-19 касаллигидан сўнг тикланиш даврида гемостаз тизимидаги ўзгаришларни ташхислаш усули, реабилитациясини оптималлаштириш ва прогностик алгоритми» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 13.02.2025 йилдаги 21-сон ҳамда Тошкент вилояти Тошкент тумани кўп тармоқли марказий шифохонаси бўйича 13.02.2025 йилдаги 165-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 июндаги 19/24-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* COVID-19 касаллиги ўтказган болаларнинг тикланиш даврида гемостаз тизимида компенсацион-адаптив механизмларнинг фаоллашганлиги натижасида гиперкоагуляция ҳолатини сақланиши, қон зардобидаги фибриноген миқдори ошиши, эрувчи фибрин мономер комплекси ва D-димер миқдорининг кескин ошганлиги ҳисобига тромбин вақтининг қисқариши натижасида қонини тезда қуюқлашининг юзага келиши ва тромб ҳосил бўлиши, шунингдек микроциркуляциянинг издан чиқишига шароит яратилишини самарали ташхислаш ва даволаш тактикасини танлаш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* COVID-19 касаллиги ўтказган болаларнинг тикланиш даврида гемостаз тизимида компенсацион-адаптив механизмларнинг фаоллашганлиги натижасида гиперкоагуляция ҳолатини сақланиши, қон зардобидаги фибриноген миқдори ошиши, эрувчи фибрин мономер комплекси ва D-димер миқдорининг кескин ошганлиги ҳисобига тромбин вақтининг қисқариши натижасида қонини тезда қуюқлашининг юзага келиши ва тромб ҳосил бўлиши, шунингдек микроциркуляциянинг издан чиқишини меъёрлаштириш учун бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 312200 сўмга иқтисод қилиш, 129 нафар бемор ҳисобига 40273800 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. *Хулоса:* COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврида гемостаз тизимидаги компенсацион-адаптив механизмларнинг фаоллашганлигини баҳолаш мақсадида бир нафар бемор учун бюджетдан тежалган маблағлар 312200 сўмни ташкил этган;

тўртинчи илмий янгилик: Болаларда COVID-19 касаллигидан тикланиш даврида гемостаз тизими кўрсаткичлари (фибриноген, D-димер, қисман фаоллаштирилган тромбопластин, тромбопластин вақт) ва яллиғланиш маркёрлари (IL-6, IL-1 β даражаси) ўртасида ишончли корреляцион боғлиқлик мавжудлиги натижасида болаларда ушбу касалликдан тузалиш даврида ҳам яллиғланиш жараёнининг тугамаганлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январдаги 01-25/470-т-сон билан тасдиқланган «Болаларда COVID-19 касаллигидан сўнг тикланиш даврида гемостаз тизимидаги ўзгаришларни ташхислаш усули, реабилитациясини оптималлаштириш ва прогностик алгоритми» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 13.02.2025 йилдаги 21-сон

ҳамда Тошкент вилояти Тошкент тумани кўп тармоқли марказий шифохонаси бўйича 13.02.2025 йилдаги 165-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 июндаги 19/24-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* COVID-19 билан хасталанган болаларда асоратларнинг олдини олиш ва даволашга дифференциал ёндашувни таъминлаш учун умумий қоннинг биокимёвий, иммунологик (IL-6, IL-1 β) ва гемостазологик фибриноген, трмбопластин вақти, халқаро мослаштирилган нисбат, қисман фаоолаштирилган троболастин вақти, протромбин вақти, эрувчи фибринмономер комплекси, Д-димер таҳлили натижаларига боғлиқлиги баҳолаш орқали яллиғланиш маркёрларини таҳлилини ўрганиш ушбу ёш гуруҳидаги инфекция кечишининг специфик хусусиятларини аниқлаштириш ва постковид синдромларни учраш аниқроқ белгилаш ва ўз вақтида даволаш тактикасини танлаш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* болаларда COVID-19нинг яллиғланиш маркёрларини эрта аниқлаш орқали бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 342562 сўмга иқтисод қилиш имконини берган, умумий 129 нафар бемор болалар учун ҳисобланганда 44190498 сўмни иқтисод қилиш имконини берди. *Хулоса:* болаларда COVID-19нинг яллиғланиш маркёрларини эрта аниқлаш орқали бир нафар бемор ҳисобига бюджетдан тежалган маблағлар 342562 сўмни ташкил этган.

бешинчи илмий янгилик: COVID-19 ўтказган болаларнинг тикланиш даврида гемостаз тизимини коррекциялаш мақсадида гемостаз тизимини ўзгаришларини башоратлаш ва гиперкоагуляция ҳамда микротромбозлар олдини олишга мўлжалланган назорат қилиш алгоритми ишлаб чиқиш бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январдаги 01-25/470-т-сон билан тасдиқланган «Болаларда COVID-19 касаллигидан сўнг тикланиш даврида гемостаз тизимидаги ўзгаришларни ташхислаш усули, реабилитациясини оптималлаштириш ва прогностик алгоритми» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 13.02.2025 йилдаги 21-сон ҳамда Тошкент вилояти Тошкент тумани кўп тармоқли марказий шифохонаси бўйича 13.02.2025 йилдаги 165-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 июндаги 19/24-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* Гемостаз тизимидаги ўзгаришларни олдиндан аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун махсус прогностик алгоритмлар ишлаб чиқилган. Covid-19 касаллигидан сўнг гемостаз тизими бузилишлари сабабли келиб чиқадиган асоратларни ривожланишини олдини олиш ҳамда беморларни стационар ёки амбулатор тизимда даволашни башоратлаш самарадорлигини ошириши имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* Гемостаз тизимидаги ўзгаришларни олдиндан аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун махсус прогностик алгоритмлар ишлаб чиқилган алгоритми бир

нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 25%га иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** COVID-19 билан касалланган болаларни реабилитация қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида тикланиш даврида гемостаз тизими ўзгаришларини ташхислаш ва башорат қилиш бўйича ишлаб чиқилган алгоритми ҳар бир бемор учун бюджет маблағларини 25 %га тежашга ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда муҳокама қилинган бўлиб, шулардан 2 таси халқаро, 3 таси эса республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманлардир.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 4 та мақола, улардан 3 таси республика ва 1 таси халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва уни амалга ошириш зарурияти илмий асосланган, шунингдек, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган ҳамда унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига уйғунлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, олинган натижаларнинг ишончлилиги ҳамда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти баён этилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Болаларда COVID-19 касаллигининг кечиш хусусиятлари, гемостаз тизимини ўрганишга замонавий ёндошувлар»** деб номланган биринчи бобида ушбу тиббий муаммо бўйича фундаментал илмий маълумотлар таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳида муаллиф COVID-19 тарқалиши, этиологияси ва патогенези, COVID-19 билан ўпканинг шикастланиш даражасига боғлиқ равишда гемостаз тизимини ўзгаришларининг хусусиятлари, COVID-19 билан касалланган болаларни реабилитация қилиш масалалари ҳақидаги замонавий адабиёт маълумотлари шарҳланади, ушбу муаммонинг ҳал этилмаган тарафлари ва уларни ҳал қилиш зарурлиги ёритиб берилади.

Диссертациянинг **«COVID-19 касаллигини ўтказган болаларда тикланиш даврининг хусусиятлари ва гемостаз тизими ҳолатини баҳолаш материал ва усуллари»** номли иккинчи бобида тадқиқотда қўлланилган материаллар ва усуллар тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган. Тадқиқотнинг биринчи босқичида Тошкент шаҳар 3-сонли юқумли касалликлар шифохонасида COVID-19 ташхиси билан 2020–2021-

йиллар давомида даволанган 232 нафар болаларнинг касаллик тарихи ретроспектив ўрганиб чиқилди. 2-босқичда проспектив кузатув учун 1-17 ёшгача бўлган, 33-сонли оилавий полуклиникага ва Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси болалар маслаҳат поликлиникасига мурожаат қилган 129 та коронавирус инфекциясидан эрта тикланиш даврида бўлган болалар олинди ва уларнинг клиник лаборатор кўрсаткичлари динамикада таҳлил қилинди: улар 3 гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ анамнезида COVID-19 касаллигининг энгил кечиши (n=30,) (анамнез ва SARS-CoV-2 антитаначаларнинг титри натижалари асосида); 2-гуруҳ Covid-19 касаллигининг ўртача оғир кечиши бўлган беморлар (n=61); 3-гуруҳ COVID-19 касаллигининг оғир кечиши бўлган беморлар (n=38). Олинган натижалар соғлом болалар кўрсаткичлари билан таққосланди. Бунинг учун амалий соғлом бўлган, 1-17 ёшдаги, анамнезига кўра оиласидагилар Covid-19 билан оғримаган, сурункали касалликлари бўлмаган 40 та бола назорат гуруҳ сифатида танлаб олинди.


Барча беморларга клиник-анамнестик, функционал текширувлар (кўрсатмага кўра кўкрак қафасининг умумий рентгенографияси), пульсоксиметрия ва лаборатория текширувлари амалга оширилди. Қон зардобининг стандарт биокимёвий текширувлари (АЛТ ва АСТ ферментларининг фаоллиги, умумий билирубин ва унинг фракциялари, умумий оқсил, глюкоза, мочевина, креатинин микдори), CYPRESS Diagnostics (Белгия) реагентлари ёрдамида MINDRAY BA-88A (Хитой) биокимёвий анализаторида, шунингдек, интерлейкин 6 (ИЛ-6), интерлейкин 1 (ИЛ-1β), С-реактив оқсил АО «Цитокин» (Россия) реактивлари ёрдамида ELIZA (Россия) иммунофермент анализаторида амалга оширилди. Қон коагуляция тизимини ўрганиш HUMAN CLOT DUO plus коагулометрида (Германия) амалга оширилди.

Клиник материални статистик қайта ишлаш «STATISTICA 10.0» статистик дастур пакети ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**COVID-19 билан оғриган болаларнинг тикланиш даврида клиник-лаборатор ва биокимёвий ўзгаришлар таҳлили**» деб номланган учинчи бобида болаларда COVID-19 касаллигидан эрта тикланиш даври хусусиятлари ёритилган. Тикланиш давр хусусиятларини таҳлил қилиш учун дастлаб 232 нафар короновирус ўтказган болаларнинг касаллик тарихи ретроспектив ўрганилди. Тадқиқот натижаларига кўра стационар шароитида короновирус касаллиги билан даволанган болаларнинг 84,2% (203 та) да ўрта оғир ва 15,8% (29 нафарида) да касалликнинг оғир ўтганлиги аниқланиб, касалликнинг кечиши болаларнинг ёши, фон ва ёндош касалликларни мавжудлиги, стационарга ётқизилган кунига боғлиқлиги кузатилди.

COVID-19 билан касалланган болаларнинг ёш таҳлили шуни кўрсатдики, 7 ёшдан катта бўлган болалар орасида касалланиш кўрсаткичи юқори бўлган, хусусан 38,8% 7-11 ёш даврига тўғри келган бўлса, 57,8%и 12-18 ёшга тўғри келган, кичик ёшдаги болалар 3,4% ни ташкил этди.

Коронавирус инфекциясини ўрганиш бўйича ўтказилган барча тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, болаларда катталарга қараганда касалликнинг оғир кечиши ва ривожланиш хавфи анча паст. Бироқ фон касаллиги бўлган болалар касалликни оғир ўтказишган. Болалар организмдаги фон касалликлар касалликлар кечишини оғирлаштириб, тикланиш даври чўзилишига олиб келади. Болалар анамнезидан турли даражадаги камқонлик 165 та (71,3%), оксил энергетик етишмовчилиги 5 та (2,15%), ортиқча вазнлик 15 та (6,46%), рахит 5 та (2,15%), хазм тизими функционал бузилишлари 107 та (46,3%), сурункали тонзиллит 23 та (9,9%), сурункали риносинусит 11 та (4,7%), алларгодерматит 12 та (5,2%), сийдик йўли инфекцияси 20 та (8,1%) каби фон касалликлар аниқланган (1- расм).



1-расм. COVID-19 билан касалланган болаларда фон касалликларнинг учраш даражаси (%).


Кичик ёшдаги болаларга асосан фон касалликлари ҳос бўлди, яъни 1-3 ёшдаги болаларнинг 41,6%да оксил энергетик етишмовчилиги ва рахит касаллиги кузатилди. Бу кўрсаткичнинг юқорилиги бу гуруҳга олинган болаларда иммун танқислиги ҳолати мавжудлигидан далолат беради. Камқонлик умумий болаларнинг 71,3%да кузатилди. Бунинг сабаби болаларда сурункали фон паталогияларнинг мавжудлиги, ҳамда COVID-19 касаллигида яллиғланиш маркерлари, интерлейкин-6 ва 1β ларнинг эритропозга сўндирувчи таъсири оқибатидир. Ошқозон-ичак трактидаги функционал бузилишлар 46,3% ни ташкил этган бўлиб, бу паталогик ҳолат COVID-19 касаллигини оғир кечишида муҳим аҳамиятга эга. Болаларда касалликнинг ривожланиши, асоратлар хавфини оширадиган аллергик ҳолатларнинг 5,2% да турли диатезлар кўринишида намоён бўлиб, болаларда вирусли инфекциялар фониди ўткир юқумли яллиғланиш жараёни келиб чиқиши ва асоратларни ривожланиш эҳтимолини кучайтирган.

Тадқиқотимизга жалб қилинган COVID-19 касаллиги билан оғриган болаларнинг 30 нафари (23,2%) касалликни енгил шаклда ўтказган бўлиб, улар амбулатор шароитида даволанишган. COVID-19нинг ўрта оғир (47,2%) ва оғир (29,4%) шакллари билан касалланган болалар тўлиқ шифохона

шароитида даво муолажаларини олишган. Гуруҳдаги жами болаларнинг 44,9%ни (n=58) қиз болалар, 55,1% (n=71) ўғил болалар ташкил қилди.

Шифохонада даволаниб чиққанидан сўнг, эрта тикланиш даврида (15 кундан-30 кунгача) аксарият болалар касалликни қолдиқ белгиларидан шикоят қилишди. Тадқиқот ўртача $24,8 \pm 2,8$ кун оралигида амалга оширилди. Касалликнинг оғирлик даражасига боғлиқ равишда болаларда COVID-19нинг эрта тикланиш даврини таҳлил қилганимизда (умумий ҳолсизлик, оёқ-қўлларда оғрикнинг мавжудлиги, тахикардия ва кўкрак қафасидаги оғрик), касалликнинг ўртача ва оғир кечиши бўлган барча болаларда асоратли кечишини кўрсатади.

Болаларнинг аксарият қисмида астено-невротик симптомларининг (бош оғриғи, уйқунинг бузилганлиги, умумий ҳолсизлик, диққатнинг камайганлиги, кайфиятнинг ўзгарувчанлиги) ва ҳазм тизимидаги функционал бузилишларининг сақланиб турганлиги қайт этилди. Умумий ҳолсизлик касалликни ўртача оғирликда ўтказган болаларнинг 78,7%да ва касалликни оғир ўтказган болаларнинг 100%да кузатилган. Касалликни оғир ўтказган болаларнинг 84,2% юракни тез уриб кетишига шикоят қилишди. Шу билан бирга, қўл-оёқлардаги оғриққа шикоятлари частотаси касаллик оғирлик даражасига кўра ортиб борди: енгил, ўрта оғир ва оғир даражали COVID-19 касаллиги ўтказган болаларда мос равишда 16,6; 78,8 ва 55,2% ҳолатларда қайт этилди (2-расм).



2-расм. COVID-19 билан касалланган болаларнинг эрта тикланиш даври умумий хусусиятлари.

COVID-19 билан касалланган болаларнинг 24,8% (32та) да тери қуруқ ва оқарган, 34,1% (44та) да терлаш ва гипергидроз (кафт ва оёқларнинг намлиги кузатилган). Гипергидроз ҳолати касалликни оғир отказган болаларда ўрта оғирликда ва енгил ўтказганларга нисбатан 2,67 ва 4,95 марта кўп учради. Болаларда COVID-19 инфекциясидан сўнг уйқуси нотинч, қисқа, оксипитал соҳада локализация қилинган бош оғриғи ва чарчоқлик кучайиши билан ажралиб турди.

Тадқиқотимиз давомида коронавирус инфекциясининг мавсумга боғлиқлигини ўрганиш қизиқиш уйғотди. Унга кўра тадқиқотимизга жалб қилинган болаларнинг касалланиши 32,5% йилнинг ёз ойларида, 27,1% куз, 20,9% баҳор ва 19,4% қиш мавсумига тўғри келди. Мавсумга боғлиқ равишда касалликнинг оғирлик даражасини кузатишларимиз қуйидагича натижалар аниқланди (3.1.2.-жадвал).

Таҳлил натижаларига кўра инфекциянинг ўртача оғир ва оғир кечуви, енгил кечувига нисбатан ёз ойларида 5,75 ва 3,75 баробар; куз ойларида эса мос равишда 9,7 ва 4,0 баробар кўп частотада учради. Йилнинг қиш фаслида енгил кечуви, ўртача оғир ва оғир кечувига нисбатан 1,2 ва 2,2 баробар; баҳор мавсумида 1,3 ва 2,02 баробар кўп частотада кузатилди. Мавсумийликнинг таҳлил натижаларига кўра болаларда COVID-19 касаллигининг иссиқ иқлим шароитида оғир шакллариининг кўпроқ кузатилганлиги аниқланди.

Тикланиш даврида пульсоксиметрия натижаларига кўра касалликни оғир ўтказган болаларда $SpO_2 < 95-96\%$, ўрта оғир ўтказган болаларда $SpO_2 < 97-98\%$, енгил ўтказган болаларда $SpO_2 < 98-100\%$ га тенг бўлди. Шифохонадан даволаниб чиққанидан 4 ҳафтадан сўнг пулсоксиметрия кўрсаткичи $SpO_2 < 95-96\%$ оралиғида бўлган, нафас қисиши, қийин ажралувчи балғам билан кечувчи йўтал ва умумий ҳолсизлик каби шикоятлари сақланиб турган 21 нафар болада ўпкадаги қолдиқ фибротик ўзгаришларни ҳамда тикланиш жараёни динамикасини эрта аниқлаш мақсадида кўкрак қафаси рентгенологик текширувлари амалга оширилди. Рентгенограмма таҳлиliga кўра COVID-19 инфекциясини ўтказган болаларнинг тикланиш давр рентгенограммасида 9,3% (12та) да интерстициал тўқиманинг қалинлашганлиги ва томирлар суратининг кучайганлиги, 6,9% (9 та) да ўчоқли сояланишларнинг паст интенсивликда сақланиб турганлиги аниқланди.


Касалликни оғир шаклда ўтказган болаларнинг периферик қон таҳлилида тромбоцитлар сони $330,1 \pm 7,7$ ни ташкил этди. Айрим болаларда тромбоцитлар сонининг камайиши ёки функционал фаоллигининг сусайиши оқибатида қон ивиш тизимидаги бузилишлар туфайли геморрагик диатез кўринишида намоён бўлди.

Текширилаётган болаларда биокимёвий кўрсаткичлар таҳлилида умумий оксил миқдори касалликни оғир ўтказган болаларда ($60,6 \pm 1,94$) назорат гуруҳидаги болаларга ($68,8 \pm 4,5$) нисбатан 1,13 марта ($p < 0,05$) камайганлиги аниқланди. Касалликни оғир ўтказган болаларнинг 27%ида АСТ ($53,40 \pm 6,40$; $p < 0,001$), 12,1%да АЛТ ($44,73 \pm 3,10$; $p < 0,001$) миқдорининг ошиши аниқланди. Бу ўзгаришларни жигар ва юракнинг яллиғланиш ва гипоксия ҳолатига нисбатан реактив ҳолати сифатида баҳоладик. Бизнинг фикримизча бу ўзгаришлар ўтиб кетувчи характерга эга. Бошқа биокимёвий константаларда болалар ёшига мос кўрсаткичлар аниқланди.

Тадқиқот давомида COVID -19 билан касалланган болаларда яллиғланиш жараёнининг асосий кўрсаткичларини ўргандик (3-расмга қаранг).

COVID-19дан эрта тикланиш даврида ЭЧТ касаллик енгил кечган болаларда статистик жиҳатдан ишончли 1,6 баробар ($p < 0,05$); касаллик ўрта

оғирликда кечган болаларда 1,63 баробар ($p < 0,01$) ва касалликни оғир кечиши кузатилган болаларда 1,94 баробар ошганлиги қайд этилди ($p < 0,01$). COVID-19 касаллигини ўтказган болаларнинг қон зардобида СРО миқдорини ўрганиш патологик жараёнининг оғирлик даражасига боғлиқ равишда унинг таркибининг енгил, ўрта оғир ва оғир кечишида амалий соғлом болаларнинг кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 4,4 ($p < 0,01$), 6,72 ($p < 0,001$) ва 10,2 ($p < 0,01$) марта прогрессив ўсишини кўрсатди. СРО ва ЭЧТ ортиши даражаси ўртасида кучли корреляция аниқланди.



3-расм. COVID -19 билан касалланган болаларнинг тикланиш даврида яллиғланиш жараёни фаоллигининг кўрсаткичлари.

ИЛ-6 ва ИЛ-1β даражасини ўзгаришлари бошқа кўрсаткичларга нисбатан яққол намоён бўлди. Бинобарин, инфекция жараёнининг енгил кечиши бўлган болаларда ушбу цитокинлар даражаси ўсиш тенденциясига эга бўлган бўлса, COVID-19нинг ўртача оғир ва айниқса, оғир кечиши бўлган болаларда унинг қийматлари амалий соғлом болаларнинг кўрсаткичларига нисбатан ИЛ-6 мос равишда 3,02 ($p < 0,001$) ва 14,39 ($p < 0,001$) марта, ИЛ-1β мос равишда 1,92 ($p < 0,05$) ва 5,8 ($p < 0,001$) марта ошиб кетганлиги аниқланди. ИЛ-6 ва ИЛ-1βлар инфекция агентларга жавоб реакцияси сифатида юқори миқдорларда макрофаглар, лейкоцитлар, семиз хужайралардан ишлаб чиқилади. Уларнинг узок муддат сақланиб туриши асоратлар ривожланиш хавфини оширади. Ушбу цитокинларнинг эндотелиал хужайраларга таъсири натижасида қон ивишининг қон-томир факторларининг ажралишини стимуллайти ва

коагуляцион тизим активлашади. Бунинг оқибатида гиперкоагуляция фониди ички аъзолар томонидан кузатиладиган турли хил асоратларни (кардиоваскуляр, гастроинтестинал, гепатолиенал, МНС, остеопеник ва айирув аъзолари томонидан) келтириб чиқаради.

Илмий ишимизни учунчи бобининг учинчи бўлимида тикланиш даврида кузатувга олинган болалар гемостаз тизимини ўрганиш натижалари келтирилган бўлиб, бу даврда назоратга олинган болаларда қон ивиш тизимининг кўрсаткичларини таҳлил қилинганда бир қатор ўзгаришларни аниқлашга имкон берди, бу ўз навбатида компенсация, субкомпенсация, гиперкоагуляция ва гипокоагуляция кўринишида намоён бўлади (4 расмга қаранг). Тадқиқотимизга жалб қилинган болаларнинг гемостаз тизимида декомпенсатор ўзгаришлар аниқланмади.

COVID-19 касаллигидан тикланиш даврида қон ивиш тизимида энг кўп субкомпенсатор ўзгаришлар кузатилган бўлиб, ёз (42,6%) ва куз (31,5%) ойларида қиш ва баҳор ойларига нисбатан мос равишда 2,5 ($p < 0,001$) ва 4,6 ($p < 0,001$) марта юқорилиги аниқланди.



4-расм. Covid-19 билан касалланган болаларнинг тикланиш даврида гемостаз тизими кўрсаткичларининг мавсумга боғлиқ равишда ўзгаришлари.

Бу ойларда гемостаз тизими гиперкоагуляцияга мойил бўлиб ёз ойларида 11,6% болаларда қон қуйуклиги қиш ва баҳор ойларига нисбатан 7,7 ($p < 0,01$),

3,7($p<0,001$) марта юқорилиги аниқланди. Қиш ва баҳор ойларида эса болалар гемостаз тизимида компенсатор кўрсаткичлар (46,1%) устунлик қилди.

Адабиёт манбаларига кўра бу ўзгаришлар SARS-CoV-2 нинг томирлар эндотелийсига шикастловчи таъсири натижасида юзага келади. Бизнинг фикримизча иссиқ иқлим шароитида сув сарфининг ортиши ва унга бўлган эҳтиёжнинг тўла қондирилмаганлиги бу жараённи янада чуқурлаштиради.

